



## ХОТИН-ҚИЗЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНинг СОДИР ЭТИЛИШ САБАЛари

Хўжаназарова Мақсуда Мухаммадовна

**Аннотация:** Мазкур мақолада хотин-қизлар томонидан содир этилаётган жиноятлар ва уларнинг сабаблари, улар ўртасидаги жиноятчиликнинг асл муаммолари ва уларнинг ечимлари бўйича фикр-мулоҳаза юритилган.

**Калит сўзлар:** хотин, қизлар, жиноятчилик, сабаб, профилактика, олдини олиш, шарт-шароит, имкон, ҳуқуқбузарлик.

**Аннотация:** В данной статье рассматриваются преступления, совершаемые женщинами, и их причины, исходные проблемы преступности между ними и пути их решения.

**Ключевые слова:** женщина, предупреждение, преступления, преступность, профилактика, правонарушение, условия, причина.

**Annotain:** This article examines crimes committed by women and their causes, the underlying problems of crime between them and ways to solve them.

**Keywords:** woman, prevention, crimes, criminality, prevention, offense, conditions, reason.

Ҳозирги кунга қадар жиноятларнинг сабабларини тушунтириш бўйича олимлар ўртасида ягона фикр шаклланмаган.

Ушбу муаммога чуқур кириш учун умуман сабабият тўғрисида бир нечта фикрларни билдириш мақсадга мувофиқдир. Сабабият – икки ёки ундан ортиқ ҳодисаларнинг ўзаро алоқадорлиги ва боғлиқлиги бўлиб, улардан бири – “сабаб”, иккинчиси – “оқибат”ни вужудга келтиради. Сабабий боғланиш реал мавжуд бўлган табиат ва жамият қонуниятидир. Ижтимоий ҳаётда сабабий боғланишлар муайян хусусиятларга эга: биринчидан, унда асосан статистик қонуниятилар амал қиласи, зарурат қоида тариқасида жуда кўп тасодифлар билан боғлиқ бўлади, иккинчидан, жамият тарихан ўзгарувчан тизим бўлганлиги боис маълум даврдаги сабаблар бошқа даврда бўлмайди, учинчидан, жамиятда сабабий боғланиш орқали табиатдаги каби материя ёки энергия алмашилмайди, балки ахборот алмашилади, бундай ҳолда сабабий ўзаро алоқадорлик инсонларнинг онгига айланади, бу эса уларни мураккаблаштириш, қайта кўриб чиқиши, баъзан бузилган ҳолда қабул қилинишига олиб келади, тўртинчидан, ижтимоий ҳаётда ва фаолиятда қайта алоқадорлик, яъни оқибатнинг сабабга таъсири жуда кучлидир. Жамиятдаги сабабиятнинг хусусиятлари муаммони янада мураккаблаштиради.

Жиноятчиликнинг сабаблари деганда, ижтимоий ҳаётда жиноятни вужудга келтирувчи, уни мавжудлигини таъминловчи, ўсиши ёки камайишига таъсир



кўрсатувчи воқеа ва ҳодисалар тушунилади. Жиноятчиликнинг сабабларидан ташқари уни содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар ҳам бордир<sup>131</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 сентябрдаги “Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни муҳокама қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорининг 2-бандида қуйидаги тушунчаларга таъриф берилган:

**жиноятнинг сабаблари** – жиноят содир этилишига олиб келган ижтимоий, руҳий ва моддий омиллар мажмуи;

**жиноятнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар** – жиноят содир этилишига имкон берадиган, шахс ва жамиятга боғлиқ бўлган ёки боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра юзага келувчи, танқидий жиҳатдан баҳоланувчи вазиятлар;

**жиноятнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш чоралари** – келгусида жиноят содир этилишининг олдини олишга қаратилган ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий, тарбиявий, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар мажмуи<sup>132</sup>.

Бинобарин, жиноятнинг содир этилиши шахсда шаклланган маънавий-руҳий ҳолат (ғайриижтимоий хулқ-атвор)нинг ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтдаги муайян ижтимоий муҳит билан ўзаро алоқага киришиши натижасида юзага келади.

Бунда шахс онгida мавжуд бўлган ғайриижтимоий хулқ-атвор жиноятнинг сабаби сифатида гавдаланса, жиноят содир этилган вақтдаги муайян ижтимоий муҳит жиноятнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароит тариқасида ифодаланади.

Мисол, 1989 йилда туғилган, Юнусобод туманида яшовчи А.А. 2023 йил 20 апрель куни тунги соат 01:00дан 02:00га қадар бўлган вақт оралиғида ўз яшаш уйининг меҳмонхонасида синглиси Ш.С. билан спиртли ичимлик истеъмол қилиб ўтирган вақтида мастлик ҳолатида ўрталарида келиб чиқсан ўзаро жанжал натижасида пичоқни Ш.С.нинг кўкрак қафасининг чап томонига ва оёғининг орқа думба соҳасига саншиб, ҳаёти учун хавфли бўлган оғир тан жароҳати етказган<sup>133</sup>.

Бу жиноят ишида 1989 йилда туғилган А.А.нинг ҳамда жабрланувчи Ш.С.нинг ғайриижтимоий хулқ-атворлилиги ҳамда улар ўртасида олдиндан адватнинг мавжудлиги жиноятнинг сабаби сифатида гавдаланса, жиноят жиноятчининг уйида содир этилганлиги, тунги вақтлиги, қариндошлиги, ёнларида ҳеч ким йўқлиги, жабрланувчининг тажовуздан хабардор эмаслиги,

<sup>131</sup> Криминология: Дарслик / Қ.Р. Абдурасурова, А.Г. Закирова, И. Исмаилов ва бошқ. – Т.:

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2023. – 354 б. Б. 40.

<sup>132</sup> <https://lex.uz/docs/5623688>

<sup>133</sup> Жиноят ишлари бўйича Юнусобод суди архивидан. 125/12 рақамли жиноят иши материаллари.



биргаликда спиртли ичимлик истеъмол қилганлиги ва бошқа шу кабилар жиноятнинг шарт-шароити сифатида ифодаланади.

Юқоридаги жиноят ишида агарда опа ва сингил ўрталарида оиласвий қадриятлар мустаҳкам бўлганида, улар тунгача спиртли ичимлик истеъмол қилмаганида, юзага келган келишмовчиликни қонуний йўл билан ҳал этиш кўникмаси шаклланганлигида, жабрланувчи ўзини ўзи ҳимоя қилиш усулларидан хабардор бўлганида бу каби жиноят содир этилмаган бўлар эди.

Бундан кўриниб турибдики ҳар қандай жиноятнинг олдини олиш чораларини кўриш мумкин.

Чунки сабабнинг ўзи шарт-шароит билан ўзаро таъсир орқали намоён бўлади ва оқибатни келтириб чиқаради. Агарда сабаб бўлса-ю, аммо шароит бўлмаса ёки аксинча, шароит бор, аммо сабаб бўлмаса, унда ҳар иккала ҳолатда ҳам ҳуқуқбузарлик юз бермайди.

Тадқиқот давомида ўрганилган хотин-қизлар жиноятларининг содир этилиш сабаблари таъхлил қилинганида уларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятининг пастлиги (20%), иш билан таъминланмаганлик (20%), хотин-қизлар ўртасида турли кайф-сафоларга қизиқишнинг ортиб бораётганлиги ва спиртли ичимликлар истеъмол қилишнинг кучайганлиги (11%), оиласда хотин-қизларга нисбатан тазиик ва зўравонликнинг ортиб бораётганлиги (16%), оммавий ахборот воситалари (интернет, ижтимоий тармоқлар)нинг салбий таъсири (12%), ота-онаси, турмуш ўртоғларининг эътиборсизлиги (23%) сабаб бўлаётганлиги аниқланди.

Г.Ф.Гегель таълимотларида сабаб шарт-шароитни ҳаракатга келтирувчи фаол асосдир, сабабларни фақат унинг оқибати орқали тушуниш мумкин ёки аксинча, оқибатнинг табиятини фақат унинг сабаби орқали аниқлаш мумкин, чунки улар бир-бирини тақозо этади<sup>134</sup> деб таърифлаган.

Қолаверса, фалсафада ҳам сабаб ва оқибат – оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг бир-бири билан алоқадорлиги, таъсири ва акс таъсирини, воқеаликка хос ана шундай муносабатлар жараёнидаги сабаб ва оқибат боғланишини ифодалайдиган категориялардир<sup>135</sup> дейилган. Бинобарин, сабаб оламнинг ҳаракати ва бирон-бир вақт доирасида бўлган ўзгаришдан сўнг икkinchi бошқа бир натижанинг келиб чиқишини таъминловчи асосий ҳодисани англатади. Оқибат эса ҳодисалар занжирида сабабнинг таъсиридан вужудга келадиган янги ҳодиса, сабабнинг натижасидир. Ҳар бир сабаб муайян оқибатни келтириб чиқариши учун, албатта, маълум шарт-шароит зарур бўлади. Лекин, шарт-шароит оқибатнинг сабабини англатмайди. Шарт-шароит муайян оқибатнинг рўй беришига таъсир кўрсатувчи ҳолат бўлиб, сабабнинг оқибатга

<sup>134</sup> Гегель Г.Ф. Работы разных лет: В 2-х т. – М., 1973. Т. 2. – 107-6.

<sup>135</sup> Юсубов Д. А.Фалсафа: Дарслик / Д.А. Юсубов, Х.Б. Саитходжаев, А.А. Мавлянов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – 292 б. Б. 157.



айланишида ўзига хос роль ўйнайди. Сабабсиз ёлғиз шарт-шароитнинг ўзи оқибатни келтириб чиқармаслиги<sup>136</sup> исботланган.

С.Б. Хўжақулов ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларига криминологик нуқтаи назардан ёндашиб, шахс онгида мавжуд бўлган ғайриижтимоий хулқ-автор ҳуқуқбузарликнинг сабаби сифатида гавдаланса, ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтдаги муйян ижтимоий муҳит ҳуқуқбузарликнинг содир этилишига имкон яратган шарт-шароит<sup>137</sup> ҳисобланишини билдирган. У тарғибот-ташвиқот ишлари ва жамоатчилик назоратининг етарли эмаслиги бу «сабаб» эмас аксинча «шароит»<sup>138</sup> деб тушунади.

Ш.Р.Фофуров «уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари – ушбу ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишини тақозо қиласидиган, уларни озиқлантирадиган, кўпайишини таъминлайдиган воқеа, ҳодиса ва жараёнларнинг йиғиндиси; уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларга имкон берадиган шарт-шароитлар – ушбу ҳуқуқбузарликларни бевосита келтириб чиқармайдиган, лекин уларнинг содир этилишига қўмаклашадиган воқеа, ҳодиса ва жараёнларнинг мажмуи ҳисобланади»<sup>139</sup> деган таърифни берган. Бунда муаллиф сабабни ҳам шароитни ҳам воқеа, ҳодиса ва жараёнлар йиғиндиси деб таснифлаган, бизнинг фикримизча эса, воқеа, ҳодиса ва жараёнлар йиғиндиси фақатгина сабаб бўлиши мумкин, шароит эса жиноятлар содир этилишига имкон берадиган ҳолатлар ва вазиятлар йиғинидиси деб ҳисоблаймиз.

В.А.Серебрякова “Жамият ривожланишининг ҳар бир босқичи қонуний равишда хотин-қизларнинг шахс сифатидаги ҳолати ўзгаришига олиб келади. Бундай алоқа жиноий қилмишлар соҳасида ҳам мавжуд. Хотин-қизлар бандлиги ва улар томонидан содир этилган жиноятлар ўртасида маълум боғлиқлик кузатилади. Бундан хотин-қизлар жиноятчилигини ва умуман жиноятчилик муаммосини муайян тарихий шарт-шароитларни эътиборга олган ҳолда ўрганиш керак, деган муҳим методологик принцип келиб чиқади. Муайян ижтимоий вазиятларнинг таҳлилигина мазкур мураккаб муаммони ҳал қилиш имконини беради”<sup>140</sup>. Бунда муаллифнинг жамият ривожланиши хотин-қизлар жиноятчилигига таъсир қилиши ҳақидаги фикрига қўшилиш мумкин, дарҳақиқат 20-30 йилги хотин-қизлар жиноятчилигидан бугунги кундагиси

<sup>136</sup>Фалсафа асослари. (Тузувчи ва масъул муҳаррир: Қ.Назаров). – Т., «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2005. –384 б. Б. 180-181.

<sup>137</sup>Хўжақулов С.Б. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш (Ички ишлар органлари фаолияти мисолида): юрид. фан. док. ... дис. – Т., 2018. – Б. 93.

<sup>138</sup>Хўжақулов С.Б. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш (Ички ишлар органлари фаолияти мисолида): юрид. фан. док. ... дис. – Т., 2018. – Б. 93.

<sup>139</sup>Фофуров Ш.Р. Уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш (Ички ишлар органлари фаолияти мисолида): юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси – Т., 2019. – Б. 26.

<sup>140</sup> Серебрякова В.А. Криминологическая характеристика женщин-преступниц//Вопросы борьбы с преступностью. –М., 1971, №14. С. 5.



фарқ қиласи, жумладан ҳозирда улар томонидан босқинчилик, фирибгарлик, қотиллик каби жиноятларнинг содир этилаётганлигини мисол қилиб қўрсатиш мумкин.

Хотин-қизлар жиноятчилиги сабаблари юзасидан ҳам кўплаб фикр ва мулоҳазалар билдириб ўтилган бўлсада, уларнинг асосий мазмуни жиноятларнинг турларига қараб билдирилган.

Жумладан, XX асрнинг 30-йилларига қадар хотин-қизлар томонидан зўрлик ишлатиб содир этилган жиноятларининг сабаблари асосан биологик, ирсий омиллар билан изоҳланиб келинди<sup>141</sup>. Бироқ, шу билан бирга, жиноий типларнинг фақат физиологик жиҳатларини баҳолаб қолмай, уларнинг дунёни ҳис қилиш ва атроф муҳитни идрок этиш соҳасини ўрганишга ҳаракат қилинган асаллар ҳам пайдо бўла бошлади. Бошқача айтганда, жиноятчи хотин-қизларнинг шахсини ўрганишда яна бир йўналиш психологик йўналиш вужудга келди.

В.А.Внуковнинг фикрича, «биологик маълумотлар, уларга қай даражада танқидий ёндошилмасин, маълум ижтимоий тазиқ таъсирида ҳаракат қилишда хотин-қизларнинг физиологияси эркакларникига нисбатан таъсиранроқдир. Бошқача айтганда, ўз реакцияларида хотин-қизлар уларнинг психологик устқурмасидан ҳам кўра физиологик илдизларига яқинроқ туради. Уларнинг ҳаракатларидаги кескинликнинг сабаби ҳам шундан келиб чиқади»<sup>142</sup>.

Ундан ташқари хотин-қизлар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг тури бўйича таҳлил қилиш ҳам жиноятнинг сабабларини тушунишга ёрдам беради. Масалан, деярли барча холларда аёллар томонидан содир этиладиган одам савдоси, айниқса, болалар савдосининг кенг тарқалаётгани энг глобал муаммолардан бири ҳисобланади. Ушбу муаммо ривожланишининг асосий омиллари ривожланиш даражасининг пастлиги, қашшоқлик, иқтисодий тенгсизлик, кам таъминланганлик, билим даражасининг пастлигидир.

Бу каби воқеа-ҳодисаларнинг ҳаётимизда тобора кўпайиб бораётганининг асл сабабини қидирадиган бўлсак, яна гап ўша тарбияга бориб тақалаверади. Айрим оилаларда тарбиядаги сустлашув, ғарбдан кириб келган нотаниш ғояларни сезмаслик, фарзандида туғилган янгича фикрлаш дунёсини тўғри йўналтира олмаслик ҳам келажакдаги катта муаммоларга замин яратяпти. Баъзи оналаримиз қизларига фарзанд кўриш ҳисси энг олий баҳт эканини англаатмаяпти.

Ўз чақалоғини ўлдириш нафақат турли тарихий давларда, балки бир даврнинг ўзида ҳар хил баҳоланган жиноятлардан биридир. Ушбу жиноят эркак жинсли шахсдан фарқли аёлларга хос жиноят ҳисобланиб, бунда аёлнинг биологик, психологик хусусиятлари, хулқ-атворини ҳисобга олсак, одатда,

<sup>141</sup> Исмаилов И. Криминология. Умумий қисм: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик / И. Исмаилов, Қ. Р. Абдурасулова, И. Ю. Фазилов; Масъул муҳаррир Ш.Т. Икрамов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 14 б.

<sup>142</sup> Внуков В.А. Жешчинн-убийцы!. Убийства и убийцы. М., 1928. С. 191-249.



аёллар ўта таъсирчан, ҳис-туйғуларга бой бўлади. Бу беқарор руҳий жараёнлар туғруқ жараёнида сезиларли даражада кучаяди. Бундан ташқари, аёлларда неврозлар ва психопатиялар даражаси ҳам анча юқори бўлади. Буларнинг барчаси биргаликда онанинг ўз чақалоғини ўлдиришига сабаб бўлиши мумкин.

Аёлнинг боладан қутулиш нияти уни қасддан ўлдириш жиноятига айланишига имконият яратувчи бир қанча субъектив ва обектив омиллар мавжуд. Булар:

- никоҳсиз бола тукқани учун атрофдагиларнинг қоралашидан қўрқиш ҳамда уялиш;
- боланинг отаси, ўз қариндошлари ёки бошқа шахслар онани ўз чақалоғини ўлдиришга оғдириши;
- ота-онасининг салбий муносабатидан қўрқиш;
- жиноий ҳомила тушириш билан шуғулланувчи шахсларнинг оғдириши;
- ҳомиладорликнинг олдини олиш, ҳомилани даволаш муассасаларида тушириш имкониятига доир маҳсус тиббий билимларнинг йўқлиги;
- сўққабош она болани тарбиялашда моддий ва маънавий қийинчиликларга дуч келишини тушуниш, ҳомиладор аёллар ва сўққабош оналарга ижтимоий-хукуқий ёрдам кўрсатилиши ҳақида зарур ҳукуқий билимларнинг йўқлиги.

Хотин-қизлар ўртасида жиноятчиликка қарши курашиш, айниқса чақалоқ савдосининг олдини олиш юзасидан овлу ва маҳаллаларда мунтазам равища тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, оғир турмуш шароитига тушиб қолган хотин-қизлар аниқланиб, уларга тегишли ижтимоий ёрдам кўрсатилмоқда.

Хотин-қизлар томонидан содир этилаётган жиноятлар сони ортиши ва камайиши сабабларини таҳлил қилиш, профилактик чораларни ўтказиш устуворлигини белгилаш мумкин. Ушбу умумий қоида хотин-қизлар томонидан ғараз мақсадларда зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларга ҳам тааллуқли<sup>143</sup>.

Бунинг асосий сабаблари сифатида қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин, биринчидан, хотин-қизларнинг дунёқарашидаги ўзгаришлар, хусусан уларнинг чет эл маданиятини ўрганиб бориши натижасида уларга менталитетимизга зид бўлган **“оммавий маданият”**нинг салбий таъсирларининг ошиб бораётганлиги; иккинчидан, хотин-қизлар эҳтиёжларининг ошиб бораётганлиги; учинчидан, бошқарув соҳасидаги камчиликлар, хусусан айрим раҳбарлар томонидан хотин-қизларни иш ёки ўқишига қабул қилиш жараёнидаги салбий қарашлари; тўртинчидан, хотин-қизлар ўртасида ишсизликнинг юқорилиги; бешинчидан, хотин-қизларнинг юқори маош тўланадиган оғир касблар, жумладан

<sup>143</sup> К.О.Миршаева. Хотин-қизлар жиноятчилиги тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусияти./Хукуқий тадқиқотлар журнали. ISSN 2181-9130, Doi Journal 10.26739/2181-9130, 7-жилд, 2-сон, Т.: 72 б. 2017-йил



чилангарлик, устачилик, қурувчилик ва бошқа шунга ўхшаш касбларни эгаллашларидағи мавжуд түсиқлар.

Ўз қобилиятини намоён этиш имкониятининг йўқлиги, ишсизлик, турмуш даражасининг пасайиши, шунингдек оилавий қадриятларга қизиқишининг сусайиши шунга олиб келмоқдаки, хотин-қизлар баъзан тирикчилик учун маблағлар топишга уриниб, жиноят йўлига кирмоқдалар. Тўғри, жиноятчи хотин-қизлар кўпинча товламачилик, фирибгарлик, ўғрилик, харидорларни алдаш каби жиноят турларини танлайдилар. Талончилик ва босқинчилик жиноятларида улар кам иштирок этадилар. Бироқ йилдан йилга вазият ўзгармоқда ва хотин-қизлар эркакларни бу жиноятлар бўйича хам «қувиб етмоқдалар».

Статистик маълумотларга таянадиган бўлсак аёллар томонидан 2021-2022 йиллар оралиғида 160 та товламачилик, 435 та безорилик, 4750 та фирибгарлик, 2800 та ўғирилик жиноятлари билан бир қаторда 150 дан ортиқ талончилик ва босқинчилик жиноятлари содир этилган<sup>144</sup>. Бу эса аввалги йилларга қараганда сезиранли даражада юқоридир.

Хулоса қилиб айтдадиган бўлсак, хотин-қизлар ўртасидаги жиноятчиликни олдини олиш учун хотин-қизлар жиноятчилигини мунтазам таҳлил қилиш ва илмий тадқиқотларни янада кучайтириш орқали улар томонидан содир этиладиган жиноятлар профилактикасини самрадаорлигини ошириш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиши механизмини ва улар томонидан айрим турдаги жиноятлар, хусусан одоб-ахлоқ доирасидаги, оила-турмуш соҳасидаги хуқуқбузарликлар содир этилиши ҳолатларининг кўпайиб бораётганилиги сабабли қўйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим биринчидан, хотин-қизларнинг оиласидаги ролини кучайтириш чоратадбирларини амалга ошириш; иккинчидан, мактабларда 4-6-синфларда синфдан бошлаб “исломда қизлар одоби”, “қизлар одоби” каби фанлардан дарслар ташкил қилиш; учинчидан, маҳаллаларда хотин-қизлар фаоллари ва бошқа маъсул ташкилотлар томонидан тасдиқланган ойлик режалар асосида хотин-қизлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш; тўртинчидан, туман-шаҳарларда жиноят содир этиб жазо ўтаб қайтган хотин-қизларни реабилитация қилувчи алоҳида марказлар ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш лозим.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

- Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови / Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маърузаси // <https://president.uz/uz/lists/view>.

<sup>144</sup> Статистик маълумотлар тахлили.



2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // URL:  
<http://www.lex.uz/>;

3. Гордеев А.Ю. К вопросу о положительном опыте предупреждения преступлений в зарубежных странах // Matters of Russian and International Law. – 2017. – Vol. 7. – P. 117.

4. Турсунова О.А. Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича профилактик чора-тадбирлар // Хуқуқшунослик истиқболлари: Илмий мақолалар тўплами. – Т., 2015. – Б. 227.

5. Криминология: Дарслик / Қ.Р. Абдурасулова, А.Г. Закирова, И. Исмаилов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2023. – 354 б. Б. 40.

6. <https://lex.uz/docs/5623688>

7. Гегель Г.Ф. Работы разных лет: В 2-х т. – М., 1973. Т. 2. – 107-б.

8. Хўжақулов С.Б. Хуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш (Ички ишлар органлари фаолияти мисолида): юрид. фан. док. ... дис. – Т., 2018. – Б. 93.

9. Фофуров Ш.Р. Уюшмаган ёшлар ўртасида хуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш (Ички ишлар органлари фаолияти мисолида): юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси – Т., 2019. – Б. 26.

10. Серебрякова В.А. Криминологическая характеристика женщин-преступниц//Вопросы борьбы с преступностью. –М., 1971, №14. С. 5.

11. Исмаилов И. Криминология. Умумий қисм: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик / И. Исмаилов, Қ. Р. Абдурасулова, И. Ю. Фазилов; Масъул муҳаррир Ш.Т. Икрамов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 14 б.

12. К.О.Миршаева. Хотин-қизлар жиноятчилиги тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусияти./Хуқуқий тадқиқотлар журнали. ISSN 2181-9130, Doi Journal 10.26739/2181-9130, 7-жилд, 2-сон, Т.: 72 б. 2017-йил.